

4/2022,  
iyul-avgust  
(№ 00060)



## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ХАВФ ДАРАЖАЛАРИ БҮЙИЧА ТОИФАЛАШ ОРҚАЛИ БОЖХОНА НАЗОРАТИ ВА РАСМИЙЛАШТИРУВИНИ СОДДАЛАШТИРИШ

Рузметов Хушнуд Бобожонович

Ўзбекистон Республикаси Даёллат Божхона қўмитаси Бошқарма бошлиғи ўринбосари. Тошкент, Ўзбекитон. [xushnud.rxb@mail.ru](mailto:xushnud.rxb@mail.ru)

DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss4/a37](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a37)

### Аннотация

Ушбу мақолада божхона органларида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражалари бўйича белгиланган мезонлар асосида тоифалаш ҳамда мезонларнинг математик алгоритмлари хақида сўз боради. Божхона органларида мавжуд ва давлатнинг бошқа назорат органларидан олинган электрон маълумотларни таҳлил қилиш асосида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражалари бўйича тоифалашнинг мезонлари ва уларнинг математик формулалари ҳамда уларни хавф даражаларини ҳисоблаш олгаритмлари очиб берилади. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражалари бўйича тоифалашнинг мазкур мезонлари ва олгаритмларидан божхона органлари амалиётда фойдаланиш таклиф этилади.

**Калит сўзлар:** Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, хавфни бошқариш тизими, хавф даражалари, тоифалаш, мезон, алгоритм, математик формула, аниқланган хавф, маълумотлар базаси, маълумотлар базаларини интеграция қилиш, хавф даражаси паст, хавф даражаси ўрта, хавф даражаси юқори, яшил йўлак, сариқ йўлак, қизил йўлак.

### Аннотация

В данной статье пойдет речь о категоризации участников внешнеэкономической деятельности в таможенных органах на основе установленных критериев уровней риска, а также о математических алгоритмов данных критерий. На основе анализа электронных данных, имеющихся в таможенных органах и полученных от других контролирующих органов государства, будут представлены критерии классификации участников внешнеэкономической деятельности по уровням риска и их математические формулы, а также алгоритмы расчета их уровней риска. Критерии и алгоритмы классификации участников внешнеэкономической деятельности по уровням риска предлагается использовать на практике таможенными органами.

**Ключевые слова:** Участники внешнеэкономической деятельности, система управления рисками, уровни риска, категоризация, критерий, алгоритм, математическая формула, выявленный риск, база данных, интеграция баз данных, низкий уровень риска, средний уровень риска, высокий уровень риска, зеленый коридор, желтый коридор, красный коридор.

### Abstract

This article will talk about the classification of participants in foreign economic activity in the customs authorities on the basis of criteria established by risk levels, as well as mathematical algorithms of criteria. Based on the analysis of electronic data available in the customs authorities

and obtained from other control bodies of the state, the criteria for categorizing participants in foreign economic activity by risk levels and their mathematical formulas, as well as the olgarhythms of calculating their risk levels are revealed. These criteria and criteria for categorizing participants in foreign economic activity by risk levels are proposed to be used in practice by customs authorities. **Keywords:** Foreign economic activity participants, risk management system, risk levels, classification, criterion, algorithm, mathematical formula, identified risk, database, integration of databases, low risk, medium risk, high risk, green channel, yellow channel, red channel.

## **Кириш**

Бугунги кунда, дунё амалиётида ташқи савдо товарлар айланмасининг хажми кундан-кунга ортиб бораётганлиги сабабли, божхона органларида божхона назорати ва расмийлаштирувига сарфланадиган куч ва воситаларнинг тақчиллиги, вақт ва харажатларнинг кўп сарфланаётганлиги муаммони юзага келмоқда. Ушбу муаммони ечиш, яъни мавжуд куч ва воситалардан оптимал фойдаланиш, самарадорликни туширмаган ҳолда божхона назорати ва расмийлаштирувини таъминлаш, сарфланаётган вақт ва харажатларни тежаш, халқаро савдони ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида “Хавфни бошқариш тизими”дан божхона органларида кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 29-боби “Хавфни бошқариш тизими” деб номланиб, у 5 та моддани ўз ичига олади. Ушбу бобда “Хавфни бошқариш тизими”нинг мақсад ва вазифалари, асосий тушунчалари кўрсатилган бўлиб, тизимни божхона органлари амалиётига жорий этишнинг қонун билан белгиланган асоси ҳисобланади [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Барча ривожланган давлатларда божхона кўриги хавф-хатардан огоҳ этиш тизими орқали амалга оширилади. Бу ҳам давлат ресурсларини, ҳам тадбиркорларнинг вақтини тежайди. Лекин, бу тизим бизда ҳанузгача жорий этилмаган. Келгуси 2018 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригига хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорлар қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни “яшил” ва “қизил” йўлаклар орқали ўтказишни жорий этамиз” деб таъкидлаган эди[2].

Шундан келиб чиқиб, ҳалол ТИФ иштирокчиларига соддалаштирилган божхона назорати ва расмийлаштирувини қўллаш ва аксинча божхона қонун-ҳужжатларини бузишга мойил бўлган ТИФ иштирокчиларига нисбатан чуқурлаштирилган божхона назоратини амалга ошириш мақсадида уларни хавф даражалари бўйича тоифаларга ажратишга зарурият туғилди.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ўзбекистон божхона кодексининг 189-моддасида божхона назорати ўтказилаётганда божхона органлари божхона назорати шаклларини қўллашда танлаб олиш тамойилидан келиб чиқади ҳамда қоида тариқасида Ўзбекистон Республикаси ва халқаро қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш учун етарли бўлган божхона назорати шакллари билан чекланиши белгиланган [3].

Шу билан бирга, кодексда божхона назорати шакллари ва унинг даражини танлашда ХБТнинг қўлланилиши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5414-сонли фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3665-сонли қарори тасдиқланди.

Уларга мувофиқ, қўйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди [4], [5].

Жумладан:

- божхона органларида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи юқори бўлган товар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини назорат қилиш учун куч ва воситаларни жамлашни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

- хавфи юқори бўлган, шу жумладан, дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш ва тасодифий танлов асосида товар партияларини божхона назорати учун мақсадли танлаб олиш методологиясини ишлаб чиқиш;

- вижданли ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини аниқлаш, уларга нисбатан соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларини қўллашнинг тартиб ва мезонларини ишлаб чиқиш;

- хавфни бошқариш тизимининг самарали қўлланилишини доимий мониторинг қилиш, уни янада такомиллаштириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш.

Шунингдек, юқоридаги ҳужжатлар асосида божхона органларига хавфни бошқариш тизимини жорий этишда қўйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан:

- "ялпи" божхона назоратини ўтказишдан ҳар томонлама таҳлил асосида божхона назорати обьектларини аниқлаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайтириш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимига ўтиш;

- божхона назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари, услублари ва техник воситаларини татбиқ этиш ҳисобига Давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида божхона тартиб-таомилларини амалга оширишнинг давомийлигини қисқартириш;

- божхона органлари барча таркибий тузилмаларининг фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

- хорижий давлатларнинг божхона органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, божхона иши соҳасида илғор тажрибани, халқаро норма ва стандартларни тизимли ўрганиш ва жорий қилиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги "Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5582-сонли фармони тасдиқланди [6].

Унга мувофиқ хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими қўйидагиларни қўллаган ҳолда тўлиқ режимда жорий этилиши белгиланди.

Бунда, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб:

- "сариқ йўлак", бунда божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

- “қизил йўлак”, бунда божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади.

2019 йил 1 мартдан бошлаб:

- “яшил йўлак”, бунда хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди.

Юқоридаги ҳужжатлар билан белгилаб берилган вазифаларнинг ҳар томонлама сифатли бажарилишини таъминлаш, яъни божхона органларида хавфни бошқариш тизимини яратиш, амалиётга жорий қилиш қилиш учун ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражалари бўйича автоматлашган тарзда тоифаларга ажратишнинг асосий мезонларини ишлаб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Шундан келиб чиқиб, хорижий эксперталарнинг ушбу йўналишда илмий ишлари ўрганилди.

Жумладан, иқтисод фанлари доктори профессор Александр Павлович Латкиннинг “Божхона расмийлаштируванинн соддалаштириш учун ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф тоифаларига ажратиш” номли илмий мақоласида хавфларни аниқлаш мезонларини икки “ижобий” ва “салбий” гуруҳга ажратган. Бунда муаллиф ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисини ижобий ва салбий томондан баҳолаб, жами ижобий баллар йиғиндисини жами салбий баллар йиғиндисига нисбатини аниқлаган. Шундан сўнг мазкур нисбат натижасига қараб ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражалари бўйича “паст”, “ўрта” ва “юқори” тоифага ажратган [7].

Россия Федерал божхона хизмати божхонада хавфларни назорат қлиш бошқармаси ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини тоифалаш бўлими бошлиғи Виталий Петрович Хановнинг “Хавфга асосланган танлаб олиш ёндашувини тадбиқ этишда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини тоифалаш” номли илмий мақоласида Россия Федерал Божхона хизматида хавфларни бошқариш жараёнлари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан божхона қонунчилигини бузиш эҳтимолини баҳолашдан келиб чиқиб хавфларни бошқариш тизимининг субъектга йўналтирилган моделига асосланиши айтилган.

Шунингдек, хавфларни бошқариш тизимининг субъектга йўналтирилган модели ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражалари бўйича “паст”, “ўрта” ва “юқори” тоифаларга ажратади. Шундан келиб чиқиб, уларга мос равишда божхона назорати шакллари табақалаштирилган ҳолда қўлланилиши назарда тутилган.

Бундай тоифалаш ҳар чорақда бир марта тўлиқ автоматик режимда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари фаолиятини тавсифловчи 35 та мезонга асосан баҳолаш маҳсус математик алгоритмлар бўйича автоматик равишда дастур орқали амалга оширилиши кўрсатилган [8].

Россия Федерал божхона хизматининг расмий сайтида эълон қилинган маълумотга асосан Россия божхона хизматида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини тоифалашда 6 та тақиқловчи мезонлардан фойдаланилиши қайд этилган. Булар:

- товарлар чиқариб юборилганидан кейин божхона назоратини амалга ошириш учун ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаслик;

- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг тугатилиш ёки тўхтатилиш арафасида эканлиги;
- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан жарималар бўйича мажбуриятнинг ўз вақтида бажарилмаслиги;
- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан божхона тўловлари бўйича мажбуриятнинг, шу жумладан пеня ва фоизларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги;
- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, юк қабул қилувчилар ёки декларантларнинг божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш факти бўйича жавобгарликка тортилганлиги;
- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари солиқ органларида юқори хавф даражаси бўйича тоифаланганини [9].

Шу билан бирга, божхона органлари фаолиятининг самараадорлиги хавфларни самарали бошқаришга боғлиқлиги, товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишда хавфларни бошқаришнинг илмий метадологиясини ривожлантириш, олиб кирилган товарларга нисбатан божхона операцияларини амалга оширишда хавфларни бошқариш, божхонада ТИФ иштирокчиларини хавф даражалари бўйича тоифаларини аниқлаш бўйича олимлар В.Г.Морозов, В.А.Останин, Я.Д.Вишняков, А.Н.Шаланина, А.В.Кондрашова, Т.Савунова, И.В.Соловьева, Н.В.Ширкунова ўзларининг илмий тадқиқотларида тўхталиб ўтишган [10].

### **Таҳлил ва натижалар**

Узоқ вақтлар давомида божхона ҳуқуқбузарликлари ва жиноятларига қарши курашиб мақсадида божхона органлари доимий равишда божхона назоратини олиб борган. Божхона иши кўп босқичли божхона назоратининг турли шаклларини изчил амалга ошириш механизми бўлган. Назорат обьекти сифатида товарлар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳисобланади. Бироқ, ахборот технологияларининг ривожланиши ва хавфларни бошқариш автоматлаштирилган тизимининг пайдо бўлиши билан ТИФнинг қонунга бўйсунувчи ҳалол иштирокчилари учун назорат қилиш соҳасидаги мажбурий талабларни камайтириш зарурати туғилди. Мажбурий божхона текширувлари сонини минималлаштириш, мураккаб вазифаларни бажариш учун инсон ресурсларини бўшатиш учун функционал назорат учун мақсадли танлаш тизимини йўлга қўйиш талаб қилинди [11].

Шу билан бирга, ҳозирда божхона органлари божхона назорати учун обьектларни мақсадли танлашнинг дастурий таъминотини, хавфларни мустақил равишда қидириб топадиган янги мезонларни автоматик яратиш бўйича илмий-таҳлилий ишларни олиб боришга эҳтиёж сезмоқда.

Ахборотни таҳлил қилиш, статистик ва математик моделлаштириш асосида хавфли ҳолатларни прогноз қилиш жараёни ҳам автоматлаштиришни талаб этмоқда. Электрон маълумотлар базалари, маълумотларнинг асосий манбаига айланмоқда. Бу ерда хавфларни бошқариш жараёни маълумотлар базалари билан ишлайди. Улар асосида хавфлар олдиндан аниқланади ва уларни минималлаштириш бўйича чоралар кўрилади. Шу нуқтаи назардан, биз томонимиздан ХБТни янада такомиллаштириш ва самадорлик кўрсаткичларини оширишга хизмат қилувчи қўйидаги мезонлар ишлаб чиқилди. Жумладан:

- 1) ТИФ иштирокчиси томонидан солиқ органларига тўлаган солиғи бўйича

олган даромад қийматини импорт қилинган жами товарлар қийматига нисбатини ҳисоблаш мезони;

2) ТИФ иштирокчиси томонидан маълум бир давр оралиғида олинган даромад қийматининг айланма маблағлари миқдорига нисбатининг даражасини ҳисоблаш мезони;

3) ТИФ иштирокчиси томонидан олинган фойда миқдорини импорт қилинган товарлар ва божхона тўловларининг умумий қийматига нисбатининг даражасини ҳисоблаш мезони;

4) ТИФ иштирокчиси томонидан олинган умумий фойда қийматининг мавжуд кредит бўйича умумий қарздорлик қийматига нисбатининг даражасини ҳисоблаш мезони.

Мазкур ҳар бир мезон бўйича ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари юзасидан алоҳида – алоҳида хавф баҳоланади ва уларнинг умумий йиғиндисининг меъёрий коэффициентлар йиғиндисига нисбати шаклида якуний баҳо асосида ТИФ иштирокчилари хавф даражаси “паст”, “ўрта” ва “юқори” тоифага ажратилади. Аниқланган хавф даражалариға мос равишда ТИФ иштирокчилари “яшил”, “сариқ” ва “қизил” йўлакларга автоматлашган равишда божхона назорати таъминланиши учун йўналтирилади. Меъёрий коэффициент эксперталар томонидан хавфнинг етказиши мумкин бўлган зааридан келиб чиқиб белгиланади.

Ушбу мезонлар ҳар бир ТИФ иштирокчисини юқоридаги мезонлар асосида автоматлашган тарзда ўрганиб, таҳлил қилиб, шу асосида уларнинг вижданли, ҳалол тадбикор эканлигига ёки белгиланган қонун ҳужжатларини бузувчи ва/ёки бузишга мойиллиги борлигига баҳо беради. Шунга асосан божхона назоратининг соддалаштирилган ва/ёки чуқурлаштирилган шаклини қўллаш бўйича автоматлашган тарзда топшириқ беради.

Барча амалга оширилаётган операциялар бўйича маълумотлар божхона органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидағи маълумотлар базасидан ва бошқа давлат органларининг интеграция қилинган ахборот тизимларидан шакллантирилади. Мазкур ишлаб чиқилган алгоритмлар ТИФ иштирокчиларини хавф даражалари бўйича тоифаларга ажратишида мавжуд маълумотлар базасига таянган ҳолда ХБТ автомат ишлашини таъминлайди.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар борасида таклиф этилган мезонларнинг математик алгоритмлари яратилди.

**1) ТИФ иштирокчиси томонидан солиқ органларига тўлаган солиғи бўйича олган даромад қийматини импорт қилинган жами товарлар қийматига нисбатини ҳисоблаш мезонининг алгоритми.**

Бунда, маълум бир белгиланган давр оралиғида ТИФ иштирокчиси томонидан солиқ органларига тўлаган солиғи бўйича олган даромад миқдорини импорт қилинган жами товарларнинг фактура қийматига нисбати аниқланади. Ушбу мезон бўйича меъёрий коэффициент “ $k_1$ ” га teng.

ТИФ иштирокчисига ушбу мезон бўйича баҳо бериш

$$S_1 = \frac{p}{P} * k_1$$
$$p = \sum_{i=1}^n p_i$$

$$P = \sum_{i=1}^n P_i$$

формула орқали ҳисобланади. Бунда:

$S_1$ - мазкур мезон бўйича тўпланган умумий балл;

$k_1$  – мезон бўйича меъёрий коэффициент (максимал балл.);

$p$  – ТИФ иштирокчиси даромадининг умумий қиймати;

$P$  – жами импорт қилинган товарларнинг умумий фактура қиймати.

**2) ТИФ иштирокчиси томонидан олинган даромад қийматининг айланма маблағлари миқдорига нисбатининг даражасини ҳисоблаш мезонининг алгоритми.**

Бунда, маълум бир белгиланган давр оралиғида ТИФ иштирокчиси томонидан олинган умумий даромади қийматининг умумий айланма маблағлари қийматига нисбати аниқланади. Ушбу мезон бўйича меъёрий коэффициент “ $k_2$ ” га teng.

ТИФ иштирокчисига ушбу мезон бўйича баҳо бериш

$$S_2 = \frac{p}{P} * k_2$$

$$p = \sum_{i=1}^n p_i$$

$$P = \sum_{i=1}^n P_i$$

формула орқали ҳисобланади. Бунда:

$S_2$ - мазкур мезон бўйича тўпланган умумий балл;

$k_2$  – мезон бўйича меъёрий коэффициент (максимал балл.);

$p$  – ТИФ иштирокчиси даромадининг умумий қиймати;

$P$  – айланма маблағнинг умумий қиймати.

**3) ТИФ иштирокчиси томонидан олинган фойда миқдорини импорт қилинган товарлар ва божхона тўловларининг умумий қийматига нисбатининг даражасини ҳисоблаш мезонининг алгоритми.**

Бунда, маълум бир белгиланган давр оралиғида ТИФ иштирокчисининг олган фойда миқдорини импорт қилинган товарлар ва божхона тўловларининг умумий қийматига нисбати аниқланади. Ушбу мезон бўйича меъёрий коэффициент “ $k_3$ ” га teng.

ТИФ иштирокчисига ушбу мезон бўйича баҳо бериш

$$S_3 = \frac{p}{P} * k_3$$

$$p = \sum_{i=1}^n p_i$$

$$P = \sum_{i=1}^n P_i$$

формула орқали ҳисобланади. Бунда:

$S_3$ - мазкур мезон бўйича тўпланган умумий балл;

$k_3$  – мезон бўйича меъёрий коэффициент (максимал балл.);

$p$  – ТИФ иштирокчиси умумий фойдасининг миқдори;

*P – импорт қилинган товарлар ва божхона тўловларининг умумий қиймати.*

**4) ТИФ иштирокчиси томонидан олинган умумий фойда қийматининг мавжуд кредит бўйича умумий қарздорлик қийматига нисбатининг даражасини ҳисоблаш мезонининг алгоритми.**

Бунда, маълум бир белгиланган давр оралиғида ТИФ иштирокчисининг олган умумий фойда қийматининг мавжуд кредит бўйича умумий қарздорлик қийматига нисбати аниқланади. Ушбу мезон бўйича меъёрий коэффициент “ $k_4$ ” га teng. ТИФ иштирокчисига ушбу мезон бўйича баҳо бериш

$$S_4 = \frac{p}{P} * k_4$$

$$p = \sum_{i=1}^n p_i$$

$$P = \sum_{i=1}^n P_i$$

формула орқали ҳисобланади. Бунда:

$S_4$ - мазкур мезон бўйича тўпланган умумий балл;

$k_4$  – мезон бўйича меъёрий коэффициент (махсimal балл.);

$p$  – ТИФ иштирокчиси фойдасининг умумий қиймати;

$P$  – мавжуд кредит бўйича қарздорликнинг умумий қиймати.

Ҳар бир ТИФ иштирокчиси юқорида келтирилган ҳар бир мезон бўйича алоҳида-алоҳида баҳоланиб, якуний баҳо қўйидаги

$$S = \frac{(S_1 + \dots + S_4)}{(k_1 + \dots + k_4)} * 100$$

формула орқали ҳисобланади. Бунда:

$S$  - ҳар бир ТИФ иштирокчисининг якуний баҳоси ҳисбланиб, ушбу баҳонинг қийматига қараб унинг хавф даражаси аниқланади.

Бунинг учун, етказилиши мумкин бўлган зарар миқдори ва божхона назоратини таъминлашга жалб этилган куч ва воситаларнинг имкониятидан келиб чиқиб, мавжуд маълумотлар базаси таҳлил қилинган ҳолда чегаравий фоиз қийматлар ( $X_1$  ;  $X_2$ ) белгиланади. Бунда:

$X_1 \geq S$  бўлса, хавф даражаси паст

$X_1 < S < X_2$  бўлса, хавф даражаси ўрта

$X_2 \leq S$  бўлса, хавф даражаси юқори

деб шартли қабул қилинади.

Шунингдек, мезон бўйича меъёрий коэффициент – мезон аниқлаган хавфнинг етказилиши мумкин бўлган зарар миқдорининг мухимлигидан келиб чиқиб эксперталар гурухи томонидан махсimal хавфни баҳолаш қиймати белгиланади.

Мазкур қийматни эксперталар томонидан белгилашнинг бир нечта усуллари бўлиб, илмий ишда “Эксперт баҳолаш усули”дан фойдаланилган. Чунки, эксперт баҳолаш усули кенг тарқалган усул бўлиб, у ўзида сифат ёндашувини ифодалайди. Мазкур усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда:

- эксперталарга хавфларни аниқлашга қаратилган индикаторлар ва мезонлар рўйхати тақдим этилади;

- ҳар бир индикатор ва мезоннинг ўз оғирлиги (мухимлиги) мавжуд бўлади;

- баҳолаш шкаласидан фойдаланган ҳолда экспертлар томонидан ҳар бир мезонга маълум бир балл қўйилади.

Баҳолаш шкаласи 1-5 ёки 1-10 гача (мин - мах) бўлган балларни ўз ичига олиши мумкин.

Шундан сўнг ҳар бир мезонга қўйилган балл орқали юқоридаги формула орқали мезоннинг якуний баҳоси ҳисобланади.

Юқорида келтирилган мезон ва алгоритмларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, яъни, ТИФ иштирокчиларини хавф даражалари бўйича тоифаларга ажратилиши божхона процедуралари 4 мартаға соддалаштиришга, давлат бюджетига ундириладиган қўшимча божхона тўловлари миқдорининг ошишига, божхона қонун ҳужжатларининг бузилишини олдини олиш ва аниқлаш самарадорлигини ошишига, Республика худудига ноқонуний товар моддий бойликларининг олиб кирилиши бўйича жиноятларни аниқлаш 2 мартаға, аниқланган ноқонуний товар моддий бойликларининг қиймати 6 мартаға ортишига, божхона назорати ва расмийлаштирувига сарфланаётган умумий вақт 3 мартаға, шу жумладан, экспортда 5 ва импортда 2,2 мартаға қисқаришига ҳамда божхона қўригининг самарадорлик кўрсаткичи 11 баробарга ошишига хизмат қиласи.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқорида келтирилган мезонлар ТИФ иштирокчисининг даромади, фойдаси, айланма маблағлари, импорт операцияларидаги товарлар қиймати ва бож ставкалари тўғрисидаги маълумотларини автоматик таҳлил қилиш ва улар ўртасидаги номутаносиблигни, яъни ноодатий, мантиққа зид ҳолатларини аниқлаш орқали қонунбузилиш эҳтимолини баҳолашга хизмат қиласи. Бир сўз билан айтганда ТИФ иштирокчисининг тарихий маълумотларини мақсадли таҳлил қилиш билан унинг нечоғлиқ қонунга итоаткорлиги даражасини аниқлайди.

Мазкур мезонлар ёрдамида хавфларнинг аниқланиши божхона назорати самарадорлигини пасайтирмасдан, божхона органлари ресурсларидан мақбул фойдаланишга имкон беради ва ТИФ иштирокчиларининг кўпчилигини ортиқча бюрократик назоратдан халос қиласи.

Шуларни инобатга олган ҳолда юқорида тавсифи ва математик модели келтирилган хавфларни автомат аниқлашга қаратилган мезонларни божхона органлари амалиётiga тадбиқ этиш тклифи илгари сурилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги Божхона кодексининг 29-боби.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган мурожаатномасидаги нутқи. - Т: Ўзбекистон, 2017 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги Божхона кодексининг 189-моддаси.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 13.04.2018, №07/18/3665/1071.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 13.04.2018, №06/18/5414/1070.

6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 26.11.2018, №06/18/5582/2220.
7. Латкин.А.П. “Риск-категорирование участников ВЭД для упрощения таможенного оформления” / Российский внешнеэкономический вестник. 2019 г. №12.
8. Ханов.В.П. “Категорирование участников ВЭД при реализации риск-ориентированного подхода” / 2018 г.
9. <https://customs.gov.ru/uchastnikam-ved/kategorirovanie-uchastnikov-ved/o-realizaczii-v-fts-rossii-sub-ektno-orientirovannoj-modeli-sistemy-upravleniya-riskami>
10. В.Г.Морозов, В.А.Останин / Управление рисками в селективном таможенном контроле / Монография. В.: - 2013, 164с. <http://www.dalost-inno.ru/html/library/Library23.pdf>; Я.Д.Вишняков/ Общая теория рисков : учеб. пособие. – М. : 2008. – 368 с. [https://academia-moscow.ru/ftp\\_share/\\_books/fragments/fragment\\_21013.pdf](https://academia-moscow.ru/ftp_share/_books/fragments/fragment_21013.pdf); А.Н.Шаланина/ Развитие научно-методического аппарата управления рисками при перемещении товаров и транспортных средств через таможенную границу Российской Федерации. Автореферат.Л.:2010. <https://www.dissercat.com/content/razvitie-nauchno-metodicheskogo-apparata-upravleniya-riskami-pri-eremeshchenii-tovarov-i-tr/read>; А.В.Кондрашова/ Управление рисками при осуществлении таможенных операций с товарами, ввозимыми на территорию таможенного союза. Автореферат.М.:2013. <https://www.dissercat.com/content/upravlenie-riskami-pri-osushchestvlenii-tamozhennykh-operatsii-s-tovarami-vvozimymi-na-terri/read>; Т.Савунова/ Совершенствование методики управления таможенными рисками. 2010. [https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/35594/1/savunova\\_2010\\_1\\_CA\\_issues.pdf](https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/35594/1/savunova_2010_1_CA_issues.pdf); И.В.Соловьева/ Статистические методы оценки в системе управления таможенными рисками (на примере Южного таможенного управления): автореферат. Р., 2008; Н.В.Ширкунова/Управление рисками в таможенном контроле/Афтореферат.2055г, <https://www.dissercat.com/content/upravlenie-riskami-v-tamozhennom-kontrole/read>.
11. Ершов, А. Д. Система управления рисками в таможенном деле / Российская таможенная академия. - СПб.: РИО Санкт- Петербургского имени В.Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии, 2013. - 400 с.